



ВАЗОРАТИ МАОРӢ ВА ИЛМИ ЧУМХУРИИ ТО҆ЧИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМӮЗГОРӢИ ТО҆ЧИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАН҆ДАҚЕНТ
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В г. ПЕНДЖИКЕНТ



ПАЁМИ ДОНИШКАДА ВЕСТНИК ИНСТИТУТА HERALD OF INSTITUTE

НАШРИ МАҲСУС / СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК / SPECIAL EDITION

БО ҲАМКОРӢ БО ТАҲРИРИЯТИ МА҆ЦАЛЛАҲОН ИЛМӢ-
ПА҆ЖӯҲИШӢ “АНВОРИ ИЛМ” ВА “ТАФАККURI TA҆RIKH”

СОВМЕСТНО С РЕДАКЦИЕЙ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ЖУРНАЛОВ «АНВОРИ ИЛМ» И
«ТАФАККURI TA҆RIKH»

IN COLLABORATION WITH THE EDITORIAL STAFF OF THE
RESEARCH JOURNALS "ANVORI ILM" AND "TAFAKKURI
TARIKH"



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ЧУМХУРИИ ТОЧИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМӯЗГОРИИ ТОЧИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**



МАВОДИ

анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таъриҳ, фарҳанг,
таъриҳнигорӣ ва маибаъшиносии ҳалқҳон Осиён Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории
Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносабати 60 солагии доктори фанҳон таъриҳ,
профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной конференции “Актуальные проблемы истории,
истории культуры, историографии и источниковедения истории народов Средней
Азии” в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент, в честь 60-летия
доктора исторических наук, профессора Вохидова Шодмона Ҳусейновича

MATERIALS

scientific-practical international conference “Actual problems of history, cultural history,
historiography and source study of the history of the peoples of Central Asia” at the Tajik
Pedagogical Institute in the city of Penjikent, in honor of the 60th anniversary of Doctor of
Historical Sciences, Professor Vohidov Shodmon Khuselovich

Панҷакент - 2021

| | Исроилов С ТПИП | ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ | |
|-----|--|---|-----|
| 84. | Мавлонова Ӯғилой Ҳамдамовна | АДАБИЙ ВОСИТА: КИНОЯ ВА ИСТЕХҶО ӮРТАСИДАГИ ФАРҚ | 319 |
| 85. | Мадалиева Ҳонзода Абдулоҳидовна | АННАМАРИЯ ШИММЕЛНИНГ “ЖОНОН МЕНИНГ ЖОНИМДА” АСАРИДА АВЛИЁ АЁЛЛАР ФЕНОМЕНИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ | 323 |
| 86. | Мадумаров Нишонбай | ҲУНАРҲОИ МАРДУМӢ – ТАҲКИМКИМБАХШИ АРЗИШҲОИ МИЛЛӢ | 326 |
| 87. | Маликова Нигина, Ашрапов Баҳодур | САҲМИ АСОСГУЗОРИ СУЛҲУ ВАҲДАТИ МИЛЛӢ, ПЕШВОИ МИЛЛАТ ЭМОМАЛӢ РАҲМОН ДАР ЭҲҶИ ҲУНАРҲОИ МАРДУМӢ | 329 |
| 88. | Мамажонов Алишер | ЮРТ ЭРКИ ЙУЛИДА ФИДОКОРОНА КУРАШГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ АБАДИЙ | 332 |
| 89. | Матлубаи Мирзоюнус, Субҳони Аъзамзод | ОИД БА АҲАММИЯТИ НАШРИ САРЧАШМАҲОИ АДАБИИ ОХИРИ САДАИ XIX-ИБТИДОИ САДАИ XX (Чанд мулоҳига аз таҳқики “Асомию-л- кутуб”-и Шарифҷон-маҳдуми Садри Зиё) | 337 |
| 90. | Мамашарипова М. | ИСТОРИОГРАФИЯ ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ КИШЛАКОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В XX ВЕКЕ | 348 |
| 91. | Маҳмадров Алиҷон Киёмиддинович, | БУЗУРГОН СОХТА НАМЕШАВАНД, БУЗУРГОН ЗОДА МЕШАВАНД! (Муҳаббатномаи як шогирд) | 351 |
| 92. | Mukhtarov Sardorbek Saydullo oғlı | AMIR TEMUR'S PERSONALITY, ARMY FORMATION, MILITARY SKILLS | 353 |
| 93. | Маҳкамов Сайдқул Суяркулович, Хӯҷаев Диловар Зарифович | ТАҶРИБАИ ТАЪРИХИИ ДАВЛАТДОРИИ СОМОНИЁН ВА ДАВРОНИ ИСТИҚЛОЛИЯТ ҲАМЧУН ОМИЛИ ЯКПОРЧАГӢ ВА ТАҲАММУЛПАЗИРӢ – ОМИЛИ ВАҲДАТ ВА ПОЙДОРИИ ДАВЛАТ | 356 |
| 94. | فیض خواجه محمودوف (فیض محمود) - کارشناس ارشد نسخ خطی پژوهشگاه تاریخ و شرق شناسی فرهنگستان علوم | نگاهی به چند نسخ خطی اثر میرزا عبدالقدیر بیدل دهلوی در کتابخانه خصوصی "بهروز بخاری" (تحت سرپرستی دکتر بابر امینوف مورخ و باستانشناس ازبکستان در تاشکند | 361 |
| 95. | Махмудова Нигора Баротовна | РЕВИЗИИ ТУРКЕСТАНСКОГО КРАЯ В 1908-1909 Г.Г.: ЕЁ ЦЕЛИ И ПРИЧИНЫ | 371 |

17. Besenval R., Isakov A. Sarazm et les débuts du peuplement agricole dans la région de Samarcand // Arts Asiatiques. Paris: l'Ecole française d'Extrême-Orient 1989, T. 44, P. 5-20.
18. Ghirshman R. Iran, Parthians and Sassanians. L., 1999. PP. 105-115.
19. Lyonnet B. (avec la collaboration de A. Isakov et le participation de N. Avanessova). Sarazm (Tadjikistan) céramiques (Chalcolithique et Bronze Ancien). Paris: De Boccard, 1996. 131 p. (Mémoires de la mission archéologique française en Asie Centrale. T. 7).- С.127

АДАБИЙ ВОСИТА: КИНОЯ ВА ИСТЕҲЗО ӮРТАСИДАГИ ФАРҚ

Мавлонова Ӯғилой Ҳамдамовна
Бухоро давлат университети таяни докторанти
Бухоро, Ӯзбекистон
dagotys@mail.ru, +998914038305

Аннотация: Мазкур мақолада адабий восита бўлмиши киноя ва истеҳзо Ӯртасидаги фарқлар ўрганилган, стилистик воситанинг ҳар бир турига дунё олимлари берган таърифлар келтирилган, бу икки воситани ифодалаш усуслари очиб берилган.

Калит сўзлар: киноя, истеҳзо, стилистик усул, масхара қилиш, адабий восита.

LITERARY MEDIA: THE DIFFERENCE BETWEEN IRONY AND SARCASM

Mavlyanova Ugiloy Khamdamovna
PhD Researcher of the Bukhara State University
Bukhara, Uzbekistan
dagotys@mail.ru, +998914038305

Abstract: This article examines the differences between irony and satire as a literary medium, the definitions of each type of stylistic tool are given by world scholars, and the methods of expressing these two tools are explained.

Key words: irony, sarcasm, stylistic method, ridicule, literary medium.

Нотиқлик санъати ва бадиий асарнинг муҳимстилистик компоненти зукколик, яъни, доимо кутнишмагандан илгари ҳеч қачон бирор алоқада бўлмаган фикрларни бирлаштириш ҳисобланади. Зукколик ва топқирлик нутқида турли хил функцияларни бажаради: тингловчилар билан алоқа ўрнатишга, мантиқий усуслар қучсиз бўлган пайтда йўқолган эътиборни тиклашга ёрдам беради. Аммо энг асосийен у ғоявий рақибга зарба бера олади ва ижтимоий-жамоавий иллатларни жамоат олдида кулгига қўя олади.

Бундай кўникма ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларга эга. Ўз муаллифини бошқалардан устун қўядиган аччиқ гаплар рақибларни энг ишқудай аҳволга солиб қўйишга ёрдам беради. Бундай зукколикнинг икки тури мавжуд. Биринчиси – бу киноя. Одатда, у жаҳдисиз, хушмуомала, мазах қилувчи, ижобий бўлади. Киноя ўзига эътиборни жалб қилиш учун ишлатилади. Кинояни одам кўпинча инсонларнинг кўнглидан жой олади. Иккинчи тури - истеҳзо. Истеҳзо, аслида бироз парда билан қопланган, аммо ёмон ниятли ва ақдли масхара бўлиб, у кимга қаратилган бўлса, ўша

одам унчалик ақдли эмаслигини атрофдагиларга күрсатади. Бундай масхаралаш доимо шоҳидларни талаб қиласди, чунки истеҳзо қаратилган унчалик ақдли бўлмаган сұхбатдош олдида зукколикни намоён қилиш нодонлик ҳисобланади. Истеҳзони ишлатадиган одамлар доимо миннатдор томошабин учун ҳаракат қиласдилар. [Дипломная работа, 2015: 120]

Юмор ҳисси руҳиятнинг хусусияти бўлгани ҳолда, ижтимоий шартлашган ва йўналтирилган бўлади, сатира эса доимо тарафкашликка асосланади. Ҳар хил аудитория тури ҳил ҳодисаларнинг устидан кулади.

Тингловчилар ёки китобхонлар кулгусини самарадорлигининг зарурӣ шартибу қатъий меъёр ҳисси, шунингдек, юқори бадний дид ҳисобланади. Кўполҳазиллар ва нотўғри пичинглар ижодга тузатиб бўлмас заرار етказиши мумкин.

Замонавий жамиятда киноя ва истеҳзо янги маъно касб этди. Ушбу стилистик услублар интернет, оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, замонавий муаллифларнинг бадний асарларида фаол қўлланилади. Стилистик услублар кўпинча моветон ҳисобланадиган, одоб-ахлоқ меъёридан ташқари бўлган реакцияни яшириш учун ишлатилади.

Инглиз юморидаги киноя ва истеҳзо миллий қадриятларни акс эттиради, чунки киноя жаҳон маданиятидаги маданий доминант ва ахлоқий-этик қадриятларни акс эттиради.

Киноя атамасининг тарихи қадимги даврларга бориб тақалади. Кинояни ҳодиса сифатида ҳатто антик мутафаккирлар ҳам ўргангандар. Аристотел кинояга қўйидаги таърифни берган: “Бу шундай турки, қачонки биз ҳис қўлганимиздан кўра бошқача гапирсак, кулгиди туюлади”. Кундалик ҳаётда бу “Мен бир нарсани айтаман, аммо бошқа нарсани ўйлайман” деганидек.

Афлотуннинг фикрича, “киноя шунчаки ёлғон ва бемаъни гап эмас, у ёлғонни фақат ташқи томондан ифодалайдиган ва моҳиятига кўра ифода этилмайдиган нарсанинг бутунтай аксини ифодаловчи нарсадир. Бу ўзида жуда аён муҳрга эга бўлган, ўзини камситиб кўреатиш орқали олий адолатли мақсадга эришиншга қаратилган қандайдир мазах ёки масхарадир”.

Сукрот киноянинг энг ёрқин ташувчиси ҳисобланган. Унинг ёрдамида Сукрот сұхбатдошига ўзининг чекез саволларини берган, натижада унга ҳақиқат ошкор бўлар эди. Сукротнинг кинояси ҳақиқатга хизмат қиласган.

Аристон Кеосский(мил.ав. III аср) кинояга мойиллик яширин кибрининг белгисидир, деб ҳисоблаган. Аристон мутакаббир ва мағрур файласуфлар қаторига Сукротни ҳам киритган. [Дипломная работа, 2012: 105]

Охир-оқибат, қадимги юонон тилида “киноя (ирония) қилиш” бу “ёлғон гапириш”, “масхара қилиш”, “мугомбирик қилиш” деган маъноларни англата бошлади, “ироник” эса “сўз билан алдайдиган” кишини билдирган.

Албатта, кинояда бошқалардан фарқ бор: бошқалар бирорларни камситадилар ва ерга уриб, ўзларини юксакларга кўтарадилар. Ирониянинг мазмуни, уни ифодалаш техникаси ва функцияси, умуман, ирониянинг иккى томонлама табиатининг замонавий тушунчасига мос келади:

1. Ирония - ифодаланадиган ғоянинг аксини ифодалаш усули. Назарда тутган нарсамининг аксини айтаман. Шакл жиҳатидан бу “мақтайман, аслида эса қоралайман”. Ёки аксинича: Шаклига кўра камситаман, аслида эса улуғлайман, мақтайман, силайман. Иронияда менинг “ҳа” деганим доим “йўқ”ни, “йўқ” деганим “ҳа” деган маънони англатади.

2. Ирониянинг мақсади қанчалик эзгу бўлмасин, масалан, юксак ғояни вужудга келтириш, бирор нарсага кўзни очиш, жумладан, ўзига нисбатан кўзини очиш, барибир бу ғоя иронияда салбий воситалар билан таасдиқланади.

3. Ирония мақсадининг яхшилигига, ёки ҳатто унинг беғаразлигига қарамай, ирония ўз-ўзини қониқтиришга олиб келади. Дарҳақиқат, бу нафақат эстетик ўзини ўзи қондиришдир.

4. Ирония ишлатадиган одамга нозик ақл, кузатувчаник, "секинлик", "донишманднинг ҳаракатсизлиги" (тезкорлик эмас) хусусиятлари хос дейилади. Аристотел ҳатто ироник "рухининг буюклиги"га ишора қилган. Рус тилшунос ва мадданиятшунос тадқиқотчиси А.Ф. Лосев иронияни, гарчи ўта ақдли ("нозик ақл" белгиси сифатида), олийжаноб ("руҳ улуғлиги"нинг белгиси сифатида), нафис (ўзининг нафосатлилиги билан эстетик завқ бағишилаши) бўлса ҳам, уни ҳимоя механизми деб таъкидлайди. [Мавлонова Ў.Х., 2020: 106]

Дастлаб, ирония ва рационализация ўртасидаги фарқни таъкидлаш лозим: ирония бу рефлексия қилиш, вазиятга тўлиқ берилешдан чиқиши қобилиятидир. Бу ҳолат, агар вазиятнинг устида бўлмаса, ичида эмас унинг ёнида бўлади. Унингёнида туриш эса одамга куч бағишилаб, унга устунлик беради. Унда узоқлашиш, бегоналашиш имконияти, уни ўзиники қилмаслик, бегона, ғалати қилиш қобилияти бор, бу энди вазиятга янгича қараш қобилиятидир.

Замонавий олимларда киноянинг бир нечта таърифлари мавжуд. Киноя - қарама-қаршилигига қараб кўчириш асосида ёки бошқача айтганда, сўз (ибора) нинг тескари маънода қўлланилиши асосида қурилган стилистик усул ҳисобланади, масалан: "Ақдисан, ука!" (нодон одам ҳақида), "Яхшигина иш!" (жуда ёқмайдиган нарса ҳақида). A fine friend you are (туширган ёки хиёнат қилган дўст ҳақида). Киноя машҳур романларнинг сарлавҳаларида ҳам кўзга ташланади: "Ювощ американлик", "Қаҳрамоннинг ўлими".

Киноя – бу алмаштириш тамойилига кўра амалга ошириладиган иккинчи даражали белгилаш бўлиб, аммо метафора ва метонимиядан фарқли равишда ўхшашиблик асосида эмас, балки қарама-қаршилик асосида амалга оширилади. Кинояни эстетик категория ва тил категорияси сифатида фарқлаш лозим бўлади. Тил категориясини Э. Ризел "тор маънодаги киноя" деб атаган эди.

Киноянинг стилистик вазифаси юмористик коннотация, шунингдек, масхара, сарказм коннотацияларини яратишдан иборат.

Шуни эса тутиш керакки, "киноя" атамаси кўп маънолидир. Стилистикада киноя – тропдан ташқари, кинони алоҳида парчалар ёки бадиий асарга сингиб кета оладиган муаллиф муносабати сифатида тушуниш ҳам долзарбдир. Киноя қаҳрамоннинг (муаллифнинг) баъзи бир баёнотларини ифодалайди, лекин зиддияти бўйича ўтказишинг англатмайди. Бундай киноя қарама-қаршиликни назарда тутмайди, лекин бошқа тил воситалари билан яратилиши мумкин. Масалан, The bookshelf boasted half a dozen of books, деган гапда кинояни маъно метафорага асосланади.

Кинояга мисоллар:

- Stoney smiled a sweet smile of an alligator.
- She was a charming old lady with a face like a bucket of mud.
- Brandon liked me as much as Hiroshima liked the atomic bomb.

Истеҳзода ҳам, худди киноя каби, ягона таъриф мавжуд эмас. Унинг илмий таърифи қўйидагича: Сарказм (юонча "тўштни парчалаш") - сатирик фош қилиш турларидан бири, заҳарханда мазах, истеҳzonнинг энг юқори даражаси бўлиб, у нафақат назарда тутилган ва ифодаланган контрастнинг кучайишига асосланади, балки атайлаб назарда тутилган нарсани дарҳол қасдан очиб ташлашдир.

Сарказм (юонча "тўштни йиртаман") - комик турлардан бири; истеҳzonнинг энг юксак даражаси, тасвирланадиган нарса устидан ёвуз ва аёвсиз масхара қилиш.

Macmillan Dictionaguda шундай таъриф берилган:

Sarcasm – the activity of saying or writing the opposite of what you mean, or of speaking in away intended to make someone else feel stupid or show them that you are angry. [5]

Longman нашриёти "Dictionary of English Language and Culture" луғатида қуйидаги таърифни беради:

Sarcasm n. Speaking or writing using expressions, which clearly mean the opposite to what is felt, especially in order to be unkind or offensive in an amusing way: She was an hour late. «Good of you to come,» he said with heavy /withering sarcasm. [Dictionary of English Language and Culture, 1992: 1528]

Деярли барча сатирик адабиётлар истехзо элементлари билан түлдирилган. Сарказм мисоллари ўзбек халқ шеърнитида ҳам учрайди. Ушбу комик турнинг ўзига хос фош этувчи, айблов шакллари туфайли лирик ва дидактик жанрларда, шунингдек, нотиқлик санъатида кенг тарқалган. Сарказм сатира ва юморда қўлланиладиган энг муҳим стилистик воситалардан бири ҳисобланади.

Аслида эса у қадимги юони ва рим фалсафасининг ривожланиши даврида ёқ кенг тарқалганди. Кўпгина файласуфлар ҳукмдорлар ва юқори амалдорларни масхара қилиш учун киноядан фаол фойдаланар эдилар. Уйғониш даврида сарказм адабиётда, ҳатто рассомчиликда ҳам намоён бўлганди.

Адабий восита сифатида истехзо асар мазмунига экспрессив ифодани, баён қилиш шаклига эса услубий ўзига хосликни беради. Кинояли изоҳ муаллифнинг персонажга ёки тасвирланаётган вазиятга муносабатини намойиш этиши, вазиятнинг бемаънилигини таъкидлаши, образларнинг пафослиги ва хаёлий аҳамиятини англатиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, истехзо шафқатсиз танқид учун қўлланилади, бу билан шахсий инсоний фазилатларнинг хунуклиги ёки ҳаётий позицияларнинг ахлоқсизлиги, яъни нафақат карикатура шаклини олади, балки жамоатчиликнинг муросасиз танқидига сабаб бўлади.

Шу билан бирга киноянинг истехзодан қуйидаги фарқларини ажратиб курсатиш мумкин:

- Киноя-нутқ объектига яширин, парда остида салбий баҳо бериш усули.
- Истеҳзо— мажозий гап минимал даражада фош қўлувчи кўчма маъно билан ифодаланган троп.
- Киноя шаклидаги гап доим ижобий бўлиб, яширин масхарадан фарқли равишда унинг маъноси кулгуга олиб боради.
- Истеҳзоли гап ёки мурожаат камситадиган танқид предметига иисбатан тўғридан-тўғри ишора қиласди.
- Киноя ҳажвий адабий асарларда ва оғзаки образли нутқда ўзига хос комик сифатида қўлланилади.
- Истеҳзо ҳеч қачон мулойим бўлмайди; у бадиий ифоданинг ўткир сатирик воситаси сифатида одатда айбловчи нотиқлик нутқларида ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги публицистик матнларда қўлланилади.

Стилистик нуқтаи назардан истехзо, гарчи киноя билан қандайдир ўхшашибўлса-да, бу тушунча билан ўйгулашмайди. Истеҳзо ҳолатида биз одамнинг содир бўлаётган нарсага ёки бошқа бир шахснинг ҳатти-ҳаракатига иисбатан кескинроқ, баъзан ҳатто кинояли муносабатини кузатамиз. Унинг ифода воситаси сифатида ишлатилиши бирор нарсанни танқидий баҳолаш истаги билан шартлашади. Кинояни эса бундай ўткир ва аччиқ восита деб таърифлаб бўлмайди, унга кўпроқ пардали ва ижобий сифатлар хосдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Средства экспликации иронии в художественной прозе Э.М. Ремарка (прагматический и переводческий аспект). Дипломная работа [120,1 K], 17.04.2015.
2. Проведение прагматического исследования иронических высказываний в аспекте их акторечевых свойств с учетом той роли, которую ирония играет в речевом общении. Дипломная работа [105, 5K], 16.05.2012.
3. Ugiloy Khamdamovna Mavlonova, Dilfuza Salimboyevna Ruziyeva. THE USE OF IRONY IN LITERATURE // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2020. – Issue 04, Volume 84. DOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS.
4. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna 2020. Similarities and differences between types of comic. International Journal on Integrated Education. 3, 9 (Sep. 2020), 105-107. DOI: <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.596>.
5. Longman Dictionary of English Language and Culture. Harlow, Essex, England : Longman, 1992. P.1528, B.27.
6. <https://www.macmillandictionary.com/dictionary/british/sarcasm>

АННАМАРИЯ ШИММЕЛНИНГ “ЖОНОН МЕНИНГ ЖОНИМДА” АСАРИДА АВЛИЁ АЁЛЛАР ФЕНОМЕНИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ

**Мадалиева Хонзода Абдулохидовна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти
Почта: gauxonzoda@mail.ru тел: + 998909169393**

Ислом динида пайғамбарлар, валийлар, тақвадорлар фақатгина катта ҳурматга лойиқ шахслар сифатида қаралади. Пайғамбарлардан кейин авлиёларнинг даражаси баланд ҳисобаланади. Авлиё (араб. валий сўзининг кўплиги) – тақвадор инсон демакдир. Улар Аллоҳ қайтарган ишлардан қайтиб, буюрган ишларини қўлган ва ўзини турли ёмон амаллардан, шаҳватлардан, инсонларга озор беришдан сақланиб, эзгу ҳислатлари сабабли шу даражага эришган мӯъминлар саналади. Авлиёликка Аллоҳнинг инояти ва ўзининг меҳнати билан эришиш мумкин, деб эътиқод қилинади. Албатта бу тасаввуф орқали, нафсни поклаш билан амалга ошади. “Тасаввуф сулук тарзи бўлиб, унинг асоси нафс пок ва руҳ олий бўлиши учун содда ҳаёт ва физилатлар илиа зийнатланиб яшамоқдир”, -деган эди Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Йосуф¹.

“Аллоҳ таоло айтади: “Авлиёлар менинг бандаларим, яратган маҳлукларим ичида менинг маҳбубларим. Улар (бандаларга) мени зикр қилишини эслатадилар, Мен ҳам уларни зикр қилишини(бандаларга) ёдга соламан”². Шу сабабдан, валийлар Аллоҳнинг энг суйган бандалари ва дўстлари бўлиб, улар одатда валийликларини оммага ошкора қўлмайдилар. Зоро, бу уларга бўлган ихлос ҳаддан ошиб, муқаддаслаштирилиб юборилишига олиб келиши мумкин. Бу каби ҳолатларга тарих гувоҳ ва ҳозирги кунимизда ҳам баъзан учраб туради.

Авлиё инсонлар асосан эркаклар бўлсаларда, улар орасида авлиёлик даражасига етишган авлиё аёл –“валий”лар учраб туради. А.Шиммел авлиё аёллар ва тасаввуф шеъриятидаги аёл, маҳбуба тимсолларига қўзинчиши кучтилиги сабабли айнан улар бўйича изланишлар олиб боради. Изланишлари натижасида 1995 йилда «Жонон

¹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Йосуф. Тасаввуф ҳакида тасаввур. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 32.

² Ал-Ҳаким ат-Термитий. “Наводир ал усул” асари асосида / Таржимон ва муқаддима муаллифи И.Усмонов. –Т.: Мовароунахр, 2006. – Б. 31.